



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 27 август, № 174 (8797)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМАРҚАНДДАН ТАРАЛГАН ҲАЁТБАХШ ОҲАНГЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка чорлаган эзгу даъвати



Тинч, озод ва обод юртга байрамлар ярашади, дейди аҳли дониш. Дарҳақиқат, хотиржам кўнгилга куй-наво хуш ёқади, хурсандчилик татийди. Шодиёна ва унинг шуқуҳи халқни янада жипслаштиради, одамлар руҳини янада ўстиради, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг Регистон майдонида Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами арафасида ўтказилган «Шарқ тароналари» XIII халқаро мусиқа фестивали ана шу ҳақиқатни яна бир бор намойён этмоқда. 26 август кунини фестивалнинг тантанали очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Президент Матбуот хизмати хабарига кўра шу кунини давлатимиз раҳбари эзгу кадриятларимизга мувофиқ, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрами арафасида турибмиз. Илоҳим, мустақиллигимиз бардавом бўлсин, юртимизга кўз тегмасин. Халқимизни рози қилиш бўйича ишларимизга Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин. Бу мажмуани қуришдан мақсадимиз ҳам Имом

Бухорий бобомизнинг қадрини янада кўтариш, жаҳонга баралла айтишга асос яратиш. Бундай хайрли ишларимиз кўп бўлсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ҲАЁТБАХШ ОҲАНГЛАР

Ассалому алайкум, муҳтарам меҳмонлар!

Қадриятли ватандошлар!

Хурматли хотиржам ва жаноблар! Бугунги шуқуҳи оқшомда сизлар билан серкуёш Ўзбекистонда, Ватанимизнинг бебаҳо гавҳари бўлиши азим Самарқанд шаҳрида кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Авваломбор, ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ташриф буюрган сиз, муҳтарам санъат намояндаларига, нуфузли фахрий меҳмонларимизга, хоржий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимларига чўқур миннатдорлик изҳор этаман.

Барчангизга самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдириб, бутун Ўзбекистон халқининг салони ва эзгу тилакларини етказишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам фестиваль иштирокчилари! Пандемия тўғрисида юзага келган беш йиллик танаффусдан сўнг ўтаётган «Шарқ тароналари» фестивалининг санъаткорлар ҳам, муҳлислар ҳам бирдек соғинган, десам, ҳақиқатни айтган бўлман. Шу боис бугунги санъат байрами барчамизни янги раҳ ва шуқуҳ билан ўзига чорламоқда.

Мамлакатимизда ўн учинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман гарчи «Шарқ тароналари» деб аталса-да, бугунги кунда у моҳият эътиборига кўра «Жаҳон тароналари» фестивалига айланганига барчамиз гувоҳимиз.

Бу ҳақиқатни биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йил барча қитъалардаги 80 га яқин давлатдан 400 нафардан

зиёд санъаткор ва олимлар иштирок этаётгани ҳам тасдиқлайди.

Утган давр мобайнида Самарқанднинг юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради. Кўхна Шарқ бағрида туғилган мусиқий қадриятлар анжуманимиз тўғрисида халқаро миқёсда кенг эътибор ва эътироф қозонди. Фестиваль ўнлаб маҳоратли хонанда ва созандаларни, истеъдодли ёшларни кашф этди, уларнинг парвозига қанот, ижодига куч ва илҳом бағишлади.

Қадриятли дўстлар! Дунёдаги жамики халқлар қатори ўзбек эли ҳам тинчлик ва осойишталикни юксак қадрлайдиган, оққўнғил ва бағрикенг халқдир. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг туб моҳиятини ҳам турли давлатлар билан тинчлик ва ҳамкорлик, дўстона муносабатларни ривожлантириш тамойили ташкил этади.

Шу маънода, юртимизда «Шарқ тароналари» анжумани билан бирга халқаро мақом санъати, бахшичилик санъати, хунарандчилик фестиваллари, фольклор ва рақс санъати бўйича «Буюк Ипак йўли», «Лағзи» халқаро фестиваллари, Тошкент халқаро кинофестивали сингари йирик маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Улар, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлик ва аҳилликка чақирадиган эзгу даъватидир.

Бундай чорлов ҳозирги вақтда гоёқ муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугун кўз ўнгимизда дунёнинг бутунлай янги, бекарор, хавотирли геосиёсий ва геоиқтисодий архитектура сиқланмоқда. Турли мамлакатлар ўртасида низо ва адоватлар, қарама-қаршилик, ишонсизлик муҳити кучаймоқда. Жамиятлар

ичида маънавий таназзул илдириш отмоқда. Нотинч ва таҳликали замонда азалий қадриятларни, одамийлик қиёфасини сақлаб қолиш тобора мушкул бўлиб бормоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда илоҳий сарчашмалардан қувват олиб, вақт ва макон чегаралари оша гуманистик идеалларни тараннум этадиган асл санъат, мусиқа ва адабиёт халоскор куч бўлиб майдонга чиқishi зарур.

Бугун биз танлаган йўл келажагимиз ва тақдиримизни белгилайди. Бу кўхна дунё тинчлик ва дўстлик билан яшнайди, яшарди. Инсонлар, халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни эса, биринчи навбатда, сизлар каби эзгу ниёти ижодкорлар, сизларнинг ҳамфир ва бирдамлигингиз, адабий-маданий ҳамкорлик мустаҳкамлайди.

Азиз дўстлар! Мана шу муҳташам майдонда мағрур хилқириб турган байроқларга қаранг! Қайси мамлакат, қайси халқ тинчликнинг кўрмасиз бу ерда! Улар ифода этадиган ранглар жилоси ва гармонияси, фестивалда янграйдиган куй ва қўшиқлар барчамизнинг кўнгилмиздаги олийжаноб орзу-интилишлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам инсониятнинг асли ва насли бир эканидан далolat бермайдими?

Мана шундай эзгу ва улук мақсадларни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган сиз, азизларни — етти қилмидан келган тинчлик ва дўстлик элчиларини бугун меҳмондўст ва маърифатли Самарқанд аҳли, бутун Ўзбекистон халқи бағрини очиб қарши олмақда.

Бизнинг халқимиз азал-азалдан санъатга меҳр ва ихлос қўйиб яшайди,

мусиқани инсон руҳининг илоҳий қуввати деб билади. Буюк Шарқ мутафаккирлари мусиқа илми ва тарихи, мақом санъати, чолғу созлари ҳақида ажойиб асарлар яратганлар. Биз барчамиз мана шундай ўлмас маданий мероснинг ворисларимиз. Бинобарин, бу улкан меросни биргаликда ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Шу маънода, бетақдор Самарқанд заминиди дунёнинг таниқли илм-фан ва маданият арбоблари иштирокида мамлакатимизнинг маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича кунини кеча ўтказилган навбатдаги халқаро илмий конгресс муҳим амалий қадам бўлди.

Ушбу анжуманда мамлакатимиз маданий-гуманитар ҳаётида ўзига хос мегалойиха бўлган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги гоё ва ташаббуслар, қимматли таклиф ва тавсиялар билдирилгани бизни албатта мамнун этади.

Айниқас, муқаддас мусулмон динининг гуманистик моҳиятини очиб бериш, ислом, аввало, эзгулик, тинчлик, илм-маърифат ва маданият таълимоти эканини яна бир бор таъкидлаш, исломофобия қўришишларига барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ниҳоятда долзарбдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, Ўзбекистоннинг чинакам дўстлари бўлган ушбу конгресснинг ҳурматли аъзоларига жонажон Ватанимиз, халқимизга кўрсатаётган юксак ҳурмат ва эътиборлари учун чин қўлдан миннатдорлик билдирамиз. Қадриятли дўстлар!

Бугунги кунда «Шарқ тароналари» фестивалининг тарихи ва анъаналарини, Шарқнинг бой ва ранг-баранг мусиқий маданиятига доир маълумотларни ўзида муҳасам этадиган алоҳида энциклопедия ва унинг виртуал шакли — кўп тармоқли ахборот платформасини яратишнинг вақти келди, деб ҳисоблайман.

Мен ушбу қомусни тайёрлашда, жаҳоннинг турли музей ва кутубхоналари, архив ва фондларда тарқоқ ҳолда сақланаётган қимматли маълумотларни тўплаш, уларнинг ягона базасини яратиш ва келажақ авлодларга етказиш деб эзгу ва хайрли ишда барчангиз фаол иштирок этасиз, деб ишонман.

Шу билан бирга, юртимизда шаклландан илмий таҳрирдан келиб чиққан ҳолда ушбу анжуманимизнинг кўлами ва жозибасини янада ошириш мақсадида «Шарқ тароналари» фестивалининг халқаро Дўстлар клубини ташкил этишни таклиф қиламан.

Маълумки, ҳар бир фестиваль давомида янги-янги мусиқий асарлар яратилади, муҳлислар қалбидан жой олади-ган дилбар куй-қўшиқлар ижро этилади. Афсуски, мана шундай ноёб тароналар кўпинча фақат бир анжуман доирасида янграйди, халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинмайди. Шу боис фестивалимизнинг барча гоилиб ва совиридорлари иштирокида дунё мамлакатларининг нуфузли саҳналарида катта-катта концерт дастурларини намойиш этиш таклифини билдирсам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари! «Шарқ тароналари» фестивали бетақдор Регистон майдонига, «Ер юзининг сайқали» деб ном қозонган, асрлар бўйи ўз таровати ва жаҳоншумул

шуҳратини сақлаб келаётган афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши албатта беҳиз эмас.

Бундан минг йил аввал Шарқнинг машҳур шоири Абул-Фатҳ ал-Бустий «Бу дунё жаннатининг номи эрур Самарқанд», деб ёзган эди. Бу ҳаққоний баҳо нафақат тарихий, балки замонавий Самарқанд учун ҳам бағоят мос ва муносибдир.

Утмишда қанчадан-қанча қарвон йўллари ўтган, қандай буюк тарих ва маданият яратган, шаҳарлар сарвари Самарқанд бугун яна навқирон қиёфа касб этиб, дунё ҳамжамиятига тинчлик саломини йўллаб турибди.

Фестиваль шарофати билан хоридан келган меҳмонларимиз Самарқандни яна бир бор ўзлари учун кашф этар эканлар, не-не шоирлар, не-не ҳофизлар куйлаган бу муаззам шаҳарнинг бугунги жамоли, очикқўнғил ва саховатли халқимизнинг эзгу фазилатлари уларни албатта ўзига мафтун этади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуман доирасида ўтказилаётган «Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув жараёнларида ижодий уйғунлашув тамойиллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ишига муваффақият тилайман.

Бугунги санъат байрамини юқори савияда ташкил этишга ҳисса қўшган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган барча инсонларга, меҳнаткаш ва олийжаноб, меҳридар Самарқанд аҳлига чин юракдан ташаккур билдираман.

Дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган «Шарқ тароналари» олам ўзга ҳамisha баралла янграсин! Фестивалнинг барча иштирокчиларига омад ва ютуқлар ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ ОҲАНГЛАР

Мамлакатимиз Қуролли Қўчаларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан Мансуров Бахтияр Муминович — Ўзбекистон

Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

I даражали «Шон-шараф» ордени билан

Божонов Пўлат Разақович — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазир

«Мардлик» ордени билан

Аликеров Муродилла Сайдуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ ОҲАНГЛАР

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ҳамда 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш;

жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўзғалаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни

ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш;

фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

фуқаролик жамияти институтларининг хориддаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориддаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қўлай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиси 1-бетда).

Хушбаков Миршароф Нуралиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Шарипов Исмоил Махаммадзорович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Исламов Бахтияр Джахангирович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

Лим Михаил Александрович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектори

Мавлонов Акмалхужа Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси

«Жасорат» медал билан

Алимбаев Марат Толпижонович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд катта йўриқчи-қутқарувчиси

Алимов Шерзод Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд катта уста-қутқарувчиси

Атанаев Ёдгорбек Оматжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош сержанти ёрдамчиси

Зикоров Жамолiddин Тоҳиржонович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси отряд командирининг ўринбосари

Мирзаматов Хусниiddин Туланбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ катта йўриқчиси

Мўминов Хуршид Тошмуратович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Нурбоев Исқандар Гувадинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Примов Элбек Уктамович (марҳум) — Қашқадарё вилояти Кўкдала тумани ички ишлар бўлими йўл-патруль хизмати катта инспектори

Таиров Руслан Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича портлаш ҳавфи бўлган предметларни зарарсизлантириш махсус отряди бош мутахассиси

Турдибекова Ситора Шавкат қизи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази спорт бўлими йўриқчи-спортчиси

Хабидуллаев Ҳикматилло Ҳамидулло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Шонсуратов Хасан Шотуйғунович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд командир

«Содиқ хизматлари учун»**медали билан**

Абдигапиров Абдимутал Абдиқаримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра профессори

Абдуллаев Искандар Абдулбоқиевич — Андижон вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

Абдурахмонов Яхё Абдуганиевич — Юнусобод тумани прокурори

Айтнизоов Парахат — Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси раиси

Гончаров Алексей Сергеевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кинология бўлими кичик инспектор-кинолого

Гофуров Абдуманноб Абдуллажонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Гулямов Элдар Истамович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида ҳавфсизлигини таъминлаш департаменти ботаьлон командири

Душанев Анваржон Худойбердиевич — Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Ибрагимов Исмагон Нигматжонович — Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Мухаммадиев Нўмон Усмонович — Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

Насиров Джумабай Джурабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги «Галаба боғи» ёдроклик мажмуаси «Шон-шараф» музейи бўлим бош мутахассиси

Незаметдинова Дилдора Абдумалиқовна — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси «Ғиштқўприк» чегара божхона пости катта инспектори

Норқабилов Худойберди Рабимович — Навоий шаҳар прокурори

Парпиева Гулнора Ахатовна — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Рахимов Нодирбек Муйидинович — Қашқадарё вилояти Қамаша тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Рустамов Жасурбек Илхомович — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бўлими бошлиғи

Фазилов Жахангиржон Тулқунович — Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Худойкулов Зокир Нормуродович — Тошкент шаҳар Тошкент туманларaro иқтисодий судининг раиси

Эргашев Илхом Абдумуталиқович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

Эшанжонов Сайдуллохон Низомович — Наманган вилояти Давлатбод тумани ички ишлар бўлими патруль-пост хизмати отряди бўлима командир

Юсупов Саъдулло Насруллоевич — Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

«Соғлом турмуш» медал билан

Юсупов Умарбек Худайбергенович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тиббиёт бошқармаси бошлиғи

«Шухрат» медал билан

Агзамходжаев Искандар Ялкинович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси «Тошкент-АЭРО» иختисослаштирилган божхона комплекси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Давидова Регина Левоновна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Каримов Ғолиб Толибевич — Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Кодиров Сирожиiddин Надирахнович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати отряди бўлима командир

Курбонov Қувондиқ Каримович — Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Мамаатов Гайратжон Тухтамуродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Махмудов Алишер Абдусалимович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Рузимуродов Воҳиджон Асатуллаевич — Навоий вилояти Наҳабоҳ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

— жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи

Ускенбаев Тимур Аристанбоевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд катта уста-қутқарувчиси

Хусанов Юсубжон Тухташоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси кўриқлаш бўлими сафдор ходими

Хусенов Жалолиiddин Фарходович — Бухоро вилояти маъмурий судининг судьяси

Қўлиев Жобир Авлиқўлович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командир

Шербеков Хуршид Ташпўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси кўриқлаш бўлими сафдор ходими

Эргашева Барно Шокиржановна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти Оққўрғон тумани бўлими давлат ижроси

Юсупов Улугбек Мирталибович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Узархив» агентлиги директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 24 август	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиси 1-бетда).

2. Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда — маҳаллий Кенгашлар) ҳамда уларнинг ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг кўйидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўйиб юбориш ва уларнинг неғизида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (кейинги ўринларда — Фонд) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги алоҳида бўлиналари (кейинги ўринларда — алоҳида бўлиналар) ташкил этиш;

Фонд маблағларини бошқариш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат бўлган парламент палаталари вакиллари ҳар йили навабтанаваб раислик қиладиган Парламент комиссиясини (кейинги ўринларда — Парламент комиссияси) тузиш, унинг фаолиятига манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда фаол жамоатчилик вакиллари жалб этиш;

фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ташаббускор фуқароларни «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўрақ нишони билан тақдирлаш ваколатини Парламент комиссиясига ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси ва маҳаллий Кенгашлар ҳузурида уларнинг ваколатига қирадиган вазифаларни самарали амалга оширишга қўмаклашувчи фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари фаолиятини жамоатчилик асосида йўлга қўйиш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:
Фонд жами **45** та, шу жумладан, ижро этувчи девон — **17** та, алоҳида бўлиналар — **28** та штат бирлигиндан иборат бўлади;

Фонд ижро этувчи девони фаолиятини сақлаш, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, алоҳида бўлиналарнинг худди шундай харажатлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетиди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қўпланнади;

Фонд фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланади.

4. Олий Мажлис палаталарига **икки ой мuddатда** фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз қарорларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.

5. **2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар** Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган кўйидаги **солиқ турлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилсин**:
лойиҳага меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида

жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларини тўланадиган **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**;

нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий аxbорот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича тўланадиган **ижтимоий солиқ**;

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг кўйидаги тақлифларига розилик берилсин:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар аъзоларига ҳоимийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида тўридан-тўри берилладиган пул маблағлари тарзидаги **ҳоимийлик хайрияларининг солиқ солинимайдиган миқдорини ўн беш миллион сўмдан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача ошириш**;

2025 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган давлат божлари **миқдорини икки бараварга камайтирилган ҳолда ўндирши**.

Адлия вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой мuddатда** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгаришлари ва қўшимчалар тўғрисида қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
бир календар йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси бўлмаган жамоат фондлари учун ушбу календар йилда ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **ижтимоий бюрутмага бериш бўйича танловлар ташкил этади**. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз мухитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг **энг долзарб муаммоларни ечимига қаратилади**;

ҳар йили **камидда бир маротаба** вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан соҳавий ва худудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан **очиқ мулоқот ўтказилади**;

фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббуси лойиҳаларни амалга ошириш учун **давлат ижтимоий бюртмаларини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органга тақлиф киритиш ҳуқуқи берилади**. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда **тўридан-тўри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий бюртма берилиши мумкин**.

8. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгашлари) раислари **фуқаролик жамияти институтлари вакиллари** орасидан тасдиқланади;

ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги **баҳоланади** ва унинг натижалари **эълон қилинади**;

жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **моддий рағбатлантириб борилади**.

«Юксалиш» харақатига ҳар йили жамоатчилик кенгашлари фаолият самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини ўз расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бериш тавсия этилсин.

9. Давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой мuddатда ўзларининг ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда мазкур Фармоннинг 8-бандида назарда тутилган талаблар асосида қайта ташкил этсин;

«Юксалиш» харақатига унинг сўровига асосан жамоатчилик кенгашлари фаолиятига доир маълумотларни тақдим этиб борилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги **уч ой мuddатда** Ўзбекистон Республикасининг **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги Қонунини жамоатчилик назорати механизмиларини янада кенгайтириш нуктаи назаридан такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

жамоатчилик назоратининг илгор хорижий тажрибага асосланган таъсирчан шакллари;

жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш механизми ва тартиб-таомиллари;

жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра якуний ҳужжатларни расмийлаштириш, жамоатчилик назорати объектига киритиш ва уларни кўриб чиқишининг аниқ тартиби ва мuddатлари;

давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тартибга солиш.

11. Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси, «Юксалиш» харақати, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Журналистлар уюмасининг:

ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида **«Фуқаролик жамияти ҳафталиги»ни ўтказиб бориш**, унинг доирасида Олий Мажлис, Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашув ва мулоқот ўтказиш, фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, шу жумладан, **«Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун»** кўрақ нишони билан тақдирлаш;

ҳар **икки йилда** Фонд томонидан тақдирланадиган **«Фуқаролик ташаббуси»** миллий мукофотини таъсис этиш;

журналистлар ўртасида **ҳар йили** аънанавий ўтказиб келинаётган **«Олтин қалам»** миллий мукофоти учун халқро таълоуда **фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш** тўғрисидаги тақлифлари маълумлансин.

Адлия вазирлиги **бир ой мuddатда** «Фуқаролик ташаббуси» миллий мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги нозом лойиҳасини ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Белгилансинки, мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбосларини назарда тутилган тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Фондга ажратиладиган маблағлар, ҳоимийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақдирланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўпланнади.

12. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоларининг мазкур ассоциация раисига Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари (комиссиялар) махлисларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш ҳақидаги тақлифи қўллаб-қувватлансин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакили ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмиларини жорий қилиш, уларни амалиётга тўғри қўлаш юзасидан тақлифлар киритиши ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **ҳар йили** ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда **фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Рақамли технологиялар вазирлиги Фонд билан биргаликда **2024 йил 1 октябрдан бошлаб** фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг **шафқофлигини таъминлашга қаратилган қўйидаги асосий ижтимоийларни назарда тутувчи ягона электрон платформани ишга туширсин**.

Фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик томонидан танловлар йўналишларини шакллантириш ҳамда уларнинг муқоамасида **бевосита иштирок этиш**;

танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун бюртмаларни юбориш, уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини **кузатиб бориш**;

танлов иштирокчиларидан талаб этиладиган ҳужжатларни электрон платформани давлат органларининг маълумотлар базасига интеграция қилиш орқали **онлайн олиш**.

15. Адлия вазирлиги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг Тугатиш комиссияси билан биргаликда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг мол-мулки ушбу соҳада фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари эҳтиёжи учун йўналтирилишини таъминласин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИГА ШАРХ

(Давоми. Бошланчи 2-бетда).

Тўққизинчидан, фуқаролик жамияти институтлари ислохотларнинг энг яқин ҳамкорига айланди, ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларнинг 350 та банди ижросида нодавлат нотариат ташкилотлар бевосита иштирок этди.

Бугун яратилаётган қулай шароитлар натижасида фуқаролар ҳуқуқини, демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда қарийб 10 мингта нодавлат нотариат ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, уларда 70 мингта яқин инсонлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Фармон юқоридagi ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Фармон билан фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қуйидаги янги ислохотлар назарда тутилмоқда.

1. Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим олтита йўналиш белгилаб берилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалари учун муносиб лойиҳаларни таллаб олиш сифати ва шаффофлигини ошириш мақсадида соҳадаги институционал ўзгаришлар қўллаб-қувватланди.

Хусусан, Парламент ҳузурда Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг

худудий бўлинмалари ташкил этилиб, ижтимоий лойиҳаларнинг манзиллиги таъминланади, бюрократияга чек қўйилади.

Ушбу фонди бошқариш бўйича Парламент комиссиясига навбатма-навбат Сенат ва Қонунчилик палатаси вакиллари раислик қилиб боради. Бу эса фонди бошқариш самарадорлигини оширади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурда фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади.

4. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганига 10 йил бўлган бўлса-да, вазирлик ва идоралар ўзлари масъул бўлган соҳаларга иктирослаштирилган нодавлат нотариат ташкилотлари билан ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш эҳтиёжи мавжуд.

Шу боис ҳар йили давлат органлари ижтимоий буюртма танловларини ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очик мулоқот ўтказиши белгилаб берилди.

Давлат органлариға фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БХМнинг 1000 бараварига ҳамда танловларсиз молиялаштириш ҳуқуқи берилди.

5. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилишни тизимлаштириш мақсада мувофиқ.

Мазкур йўналишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг қучларини бириктириш мақсадида эндиликда ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси алоҳида дастур қабул қилади.

6. Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида давлат органлари ҳузурдаги жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили раислик қилиши тартибига ўтилди.

7. Давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги эътиборга олиниб, бундай лойиҳалар доирасида даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йил муддатга 50 фоизга камайтирилди. Тежалган маблағлар лойиҳа мақсадида йўналтирилади ҳамда уларнинг самарадорлиги орттишига хизмат қилади.

8. Нотиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болалар ташкилотларини тузишни янада энгиллаштириш учун 2025 йил 1 январдан бошлаб шундай ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи 2 баравага камайтирилди.

9. Ҳозирда солиқ солилмайдиган хайрия маблағлари миқдори бор-йўғи 15 миллион сумни ташкил этади. Агар бундай маблағлар ўз-ўзидан қийин вазиятдаги фуқароларга берилишини инобатга оلسак, ушбу маблағдан ортқи қисми солиққа тортилиши адолатдан эмас.

Шу боис ҳоимийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хайрия пулининг солиқ солилмайдиган миқдори БХМнинг 100 бараварига оширилди.

10. Ташаббускор ва фаол фуқаролик жамияти институтларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар маъқулланди.

Жумладан, ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида "Фуқаролик жамияти ҳафталиги" ўтказиб борилади. Унинг доирасида Парламент комиссияси томонидан соҳа вакиллари "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Ҳар икки йилда Олий Мажлис фонди томонидан тақдирланадиган "Фуқаролик ташаббуси" миллий мукофоти тасвир этилади.

Журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун ҳалқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этилади.

11. Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа ишга туширилади.

Содда қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтларининг ўзи ва кенг жамоатчилик Олий Мажлис фонди ўтказадиган танловларнинг йўналишларини шакллантиришда бевосита иштирок этиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари, танловларнинг барча босқичи, шу жумладан, ариза беришдан танлов натижасини эълон қилишгача барчаси рақамлаштирилиб, инсон омили минимал даражага туширилади, иштирокчилардан ортқиқа ҳужжатлар сўралишига чек қўйилади.

Фармон фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқади, мазкур жараёнлар шаффофлигининг юқори стандартларини белгилайди.

Энг муҳими, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради, хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратати, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, хоҳиш-ирода ва иштирокчиларини ифода этадиган нодавлат нотариат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасидаги жиддий аҳамиятли қадам бўлди.

САМАРҚАНДАН ТАРАЛГАН ҲАЁТБАҲШ ОҲАНГЛАР

Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка чорлаган эзгу даъвати



1 Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Мақбара майдони 600 квадрат метр, баландлиги 28 метр этиб кенгайтирилган.

10 минг кишига мўлжалланган масжид бунёд этилган. Мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга улғуворлик бағишлаган.

Бугунги кунда қурилиш ва муҳандислик ишлари битказилиб, пардозлаш босқичи бошланган. Бунда миллий анъаналар ва иссиқ рангларга алоҳида эътибор берилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу қурилиш ва пардозлаш ишлари билан танишди. Энди мажмуада замонавий, хавфсиз бошқаруви жорий этиш заруриятини таъкидлади.

— Бу мажмуа буюк маънавий устун бўлиши керак, — деди Президент.

Мутасаддиларга барча туман ва шаҳарлардаги табаррук зияратгоҳларни тиклаш, уларнинг тарихи ва мазмунини тўғри талқин қилиб етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада, шунингдек, музей, нақшонкор айвонлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилмақда. Давлатимиз раҳбари бўлажак музейни ҳам кўздан кечирди.

Самарқандга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов мақбарасига гул қўйди.

Қурьон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

26 август, соат 19.00. Регистон майдони. Давлатимиз раҳбарини "Шарқ тароналари" фестивали меконлари ва иштирокчилари олқишлар билан қутиб олди.

Президентимиз ўз нутқида халқаро мусиқа фестивалига ташриф буюрган санъат намояндалари, ну-

фузли фахрий меҳмонлар, хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлариға чуқур миннатдорлик ихроқ этар экан, мамлакатимизда ун учинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман гарчи "Шарқ тароналари" деб аталса-да, бугунги кунда у моҳият эътиборига кўра, "Жаҳон тароналари" фестивалига айланганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур санъат анжуманининг нуфузи, қўлаи муҳтасил ошиб бормоқда. Буни биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йил барча қитъалардаги 80 га яқин давлатлардан 400 нафардан зиёд санъаткор ва олимлар иштирок этаётгани ҳам таъкидлади.

Фестиваль чорак асрдан ортқи-роқ тарихи давомида куй-қўшиқлар воситасида дилларни дилларга, эъларни эъларга боғлайдиган, тинчлик, тотувлик, бағрикенгликни тарғиб этадиган санъат байрамига айналди.

Бу ҳозирги мураккаб ва тахликали замонда гоёт муҳим аҳамиятга эға. Шу боис умуминсоний идеалларни таранум этадиган асл санъатни янада ривожлантириш, унинг қўлаини изчил кенгайтириш зарур.

Президентимиз ўз сўзида бугунги кунда "Шарқ тароналари" фестивалининг тарихи ва анъаналарини, Шарқнинг бой ва ранг-баранг муסיқий маданиятига доир маълумотларни ўзида муҳассас этадиган алоҳида энциклопедия ва унинг виртуал шакли — кўп тармоқли ахборот платформасини яратилишини вақти келганини таъкидлади.

Ушбу қомусни тайёрлашда, жаҳоннинг турли музей ва кутубхоналари, архив ва фондларида тарқоқ ҳолда сақланаётган қимматли маълумотларни тўплаш, уларнинг яро-

на базасини яратиш ва келажак авлодларга етказишдек эзгу ва хайрли ишда дунёнинг таниқли илм-фан ва маданият арбобларининг фаол иштирок этишиға ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари, шу билан бирга, юртимизда шаклланган ижобий илм-фан ва маданият дилбар куй-қўшиқлар ижро этилади. Афсуски, мана шундай ноёб тароналар кўпинча фақат бир анжуман доирасида янграйди, халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинмайди. Шу боис фестивалимизнинг барча гоилиб ва совриндорлари иштирокида дунё мамлакатларининг нуфузли сахналариде катта-катта концерт дастурларини намойиш этиш таклифини билдирсам, ўйлайманки, силар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Шарқ тароналари" мадҳияси садолари остида саҳнаға фестивал катнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб чиқилди.

Фестивалнинг очилишига бағишланган концерт дастуридан ўрин олган дилтортар оханлар, ашуалар маҳобатли майдон узра таралди.

Миллий куй-қўшиқлар, қардош ва жаҳон халқларининг наволари дилларни ром этди. Жозибдор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ улашди. Томошабинлар яйраб, мусиқаға жўр бўлишди.

Фараҳбахш бу манзараларни кўзатиб, сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган хис-туйғулар, тушунчалар мусиқада ўз ифодасини топшиға, уларни тушуниш,

таъсирини сезиш учун таржимон шарт эмаслигиға, куй-наво — кўнгил тилмочи эканиға яна бир бор амин бўласиз. Фестивалнинг давлатлар, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиги мустаҳкамлашдек эзгу моҳияти бугунги кунда халқаро дипломатияда тобора кенг тилға олинаётган "Самарқанд руҳи" тушунчаси мазмуниға ниҳоятда уйғун эканини чуқур англайсиз.

30 августга қадар давом этадиган халқаро фестиваль дастуриға мувофиқ иштирокчилар ўртасида кўрик-танлов ташкил қилинади. Уларнинг чиқиллари халқаро хайбат томонидан профессионал (классик) даражадаги халқ мусиқаси ва жозибасини янада ошириш мақсадида "Шарқ тароналари" фестивалининг халқаро Дўстлар клубини ташкил этишни таклиф қилди.

— Маълумки, ҳар бир фестивал давомида янги-янги муסיқий асарлар яратилади, муҳлислар қалби-дан жой оладиган дилбар куй-қўшиқлар ижро этилади. Афсуски, мана шундай ноёб тароналар кўпинча фақат бир анжуман доирасида янграйди, халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинмайди. Шу боис фестивальимизнинг барча гоилиб ва совриндорлари иштирокида дунё мамлакатларининг нуфузли сахналариде катта-катта концерт дастурларини намойиш этиш таклифини билдирсам, ўйлайманки, силар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Шарқ тароналари" мадҳияси садолари остида саҳнаға фестивал катнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб чиқилди.

Фестивалнинг очилишига бағишланган концерт дастуридан ўрин олган дилтортар оханлар, ашуалар маҳобатли майдон узра таралди.

Миллий куй-қўшиқлар, қардош ва жаҳон халқларининг наволари дилларни ром этди. Жозибдор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ улашди. Томошабинлар яйраб, мусиқаға жўр бўлишди.

Фараҳбахш бу манзараларни кўзатиб, сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган хис-туйғулар, тушунчалар мусиқада ўз ифодасини топшиға, уларни тушуниш,

таъсирини сезиш учун таржимон шарт эмаслигиға, куй-наво — кўнгил тилмочи эканиға яна бир бор амин бўласиз. Фестивалнинг давлатлар, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиги мустаҳкамлашдек эзгу моҳияти бугунги кунда халқаро дипломатияда тобора кенг тилға олинаётган "Самарқанд руҳи" тушунчаси мазмуниға ниҳоятда уйғун эканини чуқур англайсиз.

30 августга қадар давом этадиган халқаро фестиваль дастуриға мувофиқ иштирокчилар ўртасида кўрик-танлов ташкил қилинади. Уларнинг чиқиллари халқаро хайбат томонидан профессионал (классик) даражадаги халқ мусиқаси ва жозибасини янада ошириш мақсадида "Шарқ тароналари" фестивалининг халқаро Дўстлар клубини ташкил этишни таклиф қилди.

— Маълумки, ҳар бир фестивал давомида янги-янги муסיқий асарлар яратилади, муҳлислар қалби-дан жой оладиган дилбар куй-қўшиқлар ижро этилади. Афсуски, мана шундай ноёб тароналар кўпинча фақат бир анжуман доирасида янграйди, халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинмайди. Шу боис фестивальимизнинг барча гоилиб ва совриндорлари иштирокида дунё мамлакатларининг нуфузли сахналариде катта-катта концерт дастурларини намойиш этиш таклифини билдирсам, ўйлайманки, силар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Шарқ тароналари" мадҳияси садолари остида саҳнаға фестивал катнашчилари бўлган мамлакатлар байроқлари олиб чиқилди.

Фестивалнинг очилишига бағишланган концерт дастуридан ўрин олган дилтортар оханлар, ашуалар маҳобатли майдон узра таралди.

Миллий куй-қўшиқлар, қардош ва жаҳон халқларининг наволари дилларни ром этди. Жозибдор рақслар кўнгилларга завқ-шавқ улашди. Томошабинлар яйраб, мусиқаға жўр бўлишди.

Фараҳбахш бу манзараларни кўзатиб, сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб бўлмайдиган хис-туйғулар, тушунчалар мусиқада ўз ифодасини топшиға, уларни тушуниш,

Қонунчилик палатаси фракцияларида

МАСЪУЛЛИК ВА ФАОЛЛИК — МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИДА МУҲИМ ЁНДАШУВ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Шу билан бирга, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг шу йил 22-23 август кунлари юртимизга давлат ташрифининг аҳамияти, шунингдек, парламент назоратига оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар сони қисқаради

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлат Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар тарихий, маданий ҳамда иқтисодий ҳамкорликка асосланган мустаҳкам алоқалар билан ажралиб туради. Икки давлатнинг илдизлари муштарак бўлиб, бу уларнинг дўстона муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси ишға қабул қилишида иш берувчилар томонидан талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш, имзоланган янги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ўртасида ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг амалиётда қўланилишида вуҳжда келатган муаммоларни бартараф қилишға қаратилгани алоҳида қайд этиди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ишға қабул бўйича янги тартиблар қандай?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамадан ўтказилди.

Қонун лойиҳасида ишға қабул қилиш чоғида шахслардан талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхат қисқартирилмоқда. Яъни маълумотларни ахборот тизимларидан олиш имконияти яратилгани учун давлат ташкилотлари ва ҳўжалик бirlашмалари томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва меҳнат ҳамда жағмариб бoriладиган пенсия дафтларчаларини сўраш бекор қилинмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятиға тўхталиб, ишға қиравдиган шахсдан талаб этиладиган ҳужжатлар қисқарган бўлса-да, бироқ бу меъёр Меҳнат кодексиде мавжуд бўлгани сабабли у асос қилиниб, айрим иш берувчилар томонидан ушбу ҳужжатлар талаб этилаётгани, бу эса фуқароларнинг ортқиқа сарсонгарчилик ва харажатларига сабаб бўлаётгани ҳақида ўз фирм-мулоҳазаларини билдирди. Ушбу янгиликларнинг қабул қилиниши ишға қиришни ноқонуний рад этиш ҳолатларини камайтириб, бюрократик тўсиқларни бартараф қиладиган коррупциявий ҳолатларнинг олди олинади.

Фракция аъзолари юқоридагиларни эътиборга олиб, ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Рақамли далилларни гувоҳлантириш зарурати

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришға қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор кодексларига "рақамли далиллар" тушунчасини, рақамли далилларни

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузишға оид масала кўриб чиқилди.



Сайлов кодексига мувофиқ, партия рўйхати асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ягона сайлов округи бўйича сайловни ўтказиш учун Тақши ишлар вазирининг тақдимнома-

сига биноан мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкалари тузилади.

Шунга кўра мажлисда Тақши ишлар вазири тўғрисида "Е-saylov" ахборот тизими ор-

қали юборилган тақдимномаға асосан Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш бўйича қарори қабул қилинди.

Жумладан, мамлакатимизнинг 39 та чет давлатдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда 56 та сайлов участкаси тузилиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурдаги сайлов участкалари Тошкент шаҳри ҳудудига бириктирилди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».



БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан "Хонқа" санаторийсининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу муазам иншоот Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида халқимизга муносиб байрам туҳфаси бўлди.

Бунёдкорлик

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. Худойберганов, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Қ. Рафиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, Бош вазир ўринбосари З. Маҳкамова, Хоразм вилояти ҳокими Ж. Раҳимов, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндлари, касабга уюшма фаоллари, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини тиклаш, мазмунли ҳордиқ чиқаришни таъминлаш, меҳнатга рағбатини ошириш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган улкан бунёдкорликлар юртимиз кифасини тубдан ўзгартириб, шаҳару қишлоқларимиз жамолини таниб бўлмад даражада кўрамаштирамоқда, — дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Курбонбоева. — Урганч шаҳрида барпо этилаётган ал-Хоразмий шаҳарчаси, Бухоро — Хива темир йўлини электрлаштириш ва "Жалалидин Мангуберди" тезорат поезди қатновини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар, Хивада бунёд этилаётган халқаро туризм маркази каби йирик лойиҳалар ана шулар жумласидан. "Хонқа" санаторийсини учун қўшимча янги бино қуриш ташаббуси ҳам вилоятимизга таърифиди давомида

Президентимиз томонидан илгари сурилган эди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси бу хайрли лойиҳани сидқидилдан қўллаб-қувватлаб, қисқа фурсатда мана шундай мухташам бинони халқимизга туҳфа этди.

"Хонқа" санаторийси асаб, юрак-қон томир тизими, гинекологик, таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини даволашга ихтисослаштирилган бўлиб, 795 метр чуқурликдан олинмаган шифобахш маъданли суви дам олишга талабгорлар оқимининг катта бўлишида асосий омил бўлиб келган. Бироқ сийхатгоҳнинг қуввати кам эски биноси бугун замон талабларига жавоб бермас эди. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан 160 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган ва энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 200 ўринли янги бино йилига 7 минг нафар юрдошимизни яхши дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашга имконият яратди.

— Оролбўйи аҳолиси ва мамлакатимиз халқига қарий олтиш йилдан буён хизмат қилиб, минглаб юрдошларимиз саломатлигини тиклашда муҳим ўрин тўтиб келаётган соғломлаштириш маскани тарихида янги саҳифа очилмоқда, — дейди "Хонқа" санаторийси раҳбари Шухрат Собиров. — Сийхатгоҳ янги биносининг фойдаланишга топширилиши халқимиз учун қутлуғ санага муносиб тўёна бўлди. Аминманки, янги санаторий узок йиллар элимизга, азиз ва муқаррам фахрийларимизга ҳақиқий шифо, иззат ва эътибор маскани бўлиб хизмат қилади.

Одидбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

СИГМАГАЙДИР ТАЪРИФИ НА НАСР, НА НАЗМГА

СУРУР

Абдусайд КҶЧИМОВ



Бугун зўр шодиёна Хоразм тупроғида, Воҳага қадалгандир катта-кичик нигоҳи. Асов отдек Жайхуннинг сертўлқин қирғоғида Кучоқ очмоқда элнинг мухташам оромгоҳи.

Қодирий айтган каби бундай қутлуғ дамларда, Мозийга назар солмоқ энг мўътабар одатдир. Искандару Чингизлар кутку солган жангларда Бу ўлкани арқондек эшиб, тоблада тақдир.

Кубро бўлди бир кун у, бир кун Маҳмуд Паҳлавон, Мангуберди бўлиб сўнг ёвни зир-зир титратди. Беруний даҳосига таъзим қилди Хиндистон, Араб юртин ёритди Замахшарий фитрати.

Сайфи Сарой, Рабўзий, Огаҳий-у Андалиб... Айтаверсам етмағай фалақнинг юлдузлари. Қўшли ўлкадир бу, алплари мағрур, голиб, Массаетг, Авестодан наридир илдиэлари.

Гулдурсун қалъасидан атрофга солсанг назар, Сароб янглиғ кўзларни қамаштираб қирлари. Ишонинг келмас асло, шу юртда топган камол, Оқсоч башариянинг энг мўътабар пирлари...

Бир тарафда Қизилқум, Қорақум бир томонда, Яқин-яқинда зоглар бир-бирин чўқир эди. Учинчи Эврилишлар чаппар урган замонда, Ҳатто афсоналар ҳам афсона тўқир энди!

Аммо олам қушчадек титраб турибди бугун, Қайлардадир оҳ-фигон — кутурмоқда қабоҳат. Қайдадир ваҳший тўплар ваҳм солар куну тун, Кимлар учун орзудир бир нафаслик фароғат.

Ўзбекистон, онажон, эй, муҳаббат маҳзани, Кўз тегмасин бахтинга, йироқ бўлгин гаилардан. Юқсалиб бораверсин тоғлардек шону шаънинг, Шавкатинг улуг туйдим шу фараҳбахш дамларда.

Азму шижоатинга бургутлар ҳам қойил-лол. Чечаклар қулф урмоқда ҳатто тоғу тошингда. Ғалабалар завқидан сархушдир жарчи шамол, Жаҳон таҳсин айтмоқда бедор Карвонбошингда.

Оллоҳ назари тушган юртимизда хар кун тўй, Сигмагайдир таърифи на наср, на назмга. Қалъаларни титратиб янграётир қўшиқ-қуй, Яна халқона байрам — қадимий Хоразмда.

Дейдиларки, яҳши дам, қувват эрур белларга, Ана Зомин, Сангардак, ана Заркент, Чинобод — Хар кун қувонч улашар не-не дарё дилларга, Мана энди Хонқаю "Қир ён" ҳам бўлди обод.

Ютуқлар ютуқларга кетаверсин эш бўлиб, Авжланиб эсаверсин Амудан ҳур насимлар. Шундай қутлуғ онларда дегайми дилдан тўлиб: — Она Ватан, танти халқ, Сизга қуллук, таъзимлар!

Мустақиллик — тақдиримизда

ВАСФИ ЮЗ МИНГ ЙИЛ ТУГАНМАС

Мустақиллик, истиқлол, озодлик — буюқ қисмат, толе, саодат. Мустақиллик ҳақида гапирилса, айрим кишилар "Ўзбеклар истиқлолга осонликча эришди, қон тўқилмади, кураш бўлмади", дейишади. Албатта, бундай кишилар тарихдан беҳабар, ғафлатда қолган одамлардир. Шу Ватан деб, жон олиб, жон берган чинакам ўғлонлар-чи, жонфидо қизлар-чи? Сирдарё билан Амударёга сигмай тошган изтироблар-чи? Беайб, бегуноҳ берилган курбонлар-чи? Сибиру Магаданларда саргардон бўлган азиз умрлар-чи?..



Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Улар хар биримизнинг юрагимиз туб-тубида қатланиб ётибди. Барчасини дил-дилимизда хотирга оламиз, асло унут-майимиз.

Истиқлол шарофатидан мамлакатимиз обод бўлиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз, катта ўзгаришлар юз бермоқда, иқтисодийетимиз юксалмоқда, саноат ривожланмоқда, қурилишлар кенг қулоч ёзмақда. Давлатимизнинг халқаро рейтинг даражалари кўтарилишда давом этмоқда. Ўзбекистон жаҳонга дадил чиқиб бормоқда. Бу халқимизнинг ҳалол меҳнати, Президентимизнинг шижоатлари самарасидир.

Жумлаи жаҳонда жамик жонзот эркин яшашни севади. Ерда сайр этишни, сувда сузишни, кўкда парвоз қилишни истаиди. Эркинликда инсоннинг ҳаётга муҳаббати ортади, янгиликлар яратгиси, атрофини гўзалликка буркагиси келади. Истиқлол бизга ана шундай буюқ имкониятларни берди. Энг муҳими, руҳий кўтаринкилик, "Мен инсонман", деган тушунчани тўлиқ англаб етиш, ҳис қилиш, кўкракни кўтариб дунёларга боқиш, миллатимиздан, Ватанимиздан чексиз фазрланишни ўргатди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган буюқ бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда ҳаётимизда бадиий адабиётнинг ўрни, салмоғи ортиб бормоқда. Адабиёт — халқнинг руҳий олами, ички дунёси-

ни сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантиришга, уларни эзгу мақсадлари сари йўналтиришга қодир буюқ санъат. Шу ўринда улуг Ҷўлпоннинг "Адабиёт яшаса — миллат яшар" деган умуминсоний ҳикматини такрорлаш ўринли.

Юртимизда барча соҳада оламшумул янгиликлар рўй берди, жумладан, миллий адабиётимизда ҳам. Бунга ишонч уйғотиш учун ёзувчи ва шоирларимизнинг мустақиллик йилларида яратган асарларини мутолаа қилишнинг ўзи кифоя. Уларда чинакам қалб ҳарорати, истиқлол берган имкониятлар, янги даврнинг озод нафаси яққол сезилади.

Ўзим Ватан, миллат тарихи мавзуларида қалам тебратаман, буюқ боболаримиз ҳаётидан илҳом оламан. Тўрт жилдик "Улуғ салтанат" номли роман-эпопеяни ёздим, яқинда бешинчи наشري босмадан чиқди. Буюқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишланган "Мангу кўш" романим босилиб чиқиб арафасида.

Бир вақтлар ўзбек ижодкори ўз овози икки дарё оралиғида қолиб кетганидан ўқиниб ёзган бўлса, бугун ижод майдони наинки ўша дарёлар оралиғида, балки икки кўтбнинг тубига қадар кенгайган ва ўлкамизда майин шабода янглиғ эсиб турган ижодий эркинлик эпкинлари адабиётимиз доврүгини яқин келажакда, албатта, оламга ёдди.

Мустақиллигимизни шарафлаш учун қутлов сўзлар, муносиб таърифлар қидирав эканман, Алишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девонига кўзим тушди. Ёшлик девонлари. Ёш Алишер битган бир рубойи менга хаёлан улуг устознинг Мустақиллигимизга атаб битилган қутловга бўлиб туюлди:

Шаҳеким, васфи юз минг йил туганмас, деса юз минг тил,
Бу айтаюғча юз минг бил, яна хар бири юз минг қил.
Ки юз мингдин бири зикр ўлмағай зикр ўлса юз минг қарн,
Бу юз минг қардин ҳам бўлса хар бир лаҳза юз минг йил.

Қарн — асар маъносиди.

ЯШАШ, ДАМ ОЛИШ, САЛОҲИЯТНИ БОЙИТИШ — БАРЧАСИ БИР ЖОЙДА

Чирчиқ давлат педагогика университети талабалар тураржойининг янги биноси очилди



Мамлакатимизда навқирон авлоднинг сифатли ва узлуксиз таълим олиши, жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий ўқув биноларида билимини бойитиши, ўз касбининг етуқ мутахассиси ўлароқ камолга етиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Қайд этиш жоизки, билим талабгорлари ўқув йилининг бошланғич даврини ижара уй излаб сарсон-саргардон ўтказмаслиги, кейинчалик ҳам дарслардан чалғимай бемалол ўқиши, бор диққат-эътиборини фақат ва фақат таълим олишга қаратишида уларнинг тураржойи билан қанчалик таъминлангани муҳим омил ҳисобланади.

Таълим

Чирчиқ давлат педагогика университети томонидан ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, янги ўқув йили арафасида 710 ўринга эга талабалар тураржойи биноси фойдаланишга топширилди. Янги бионинг очилиш маросимига ўқитувчи-профессорлар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида иштирокчилар таълим даргоҳи бўйлаб саяҳат қилди, факултетлар фаолияти, таълим тизими, ютуқлари билан танишди.

Шундан сўнг тўрт томонини талабалар тураржойлари ўраб тур-



ган амфитеатрда тадбирнинг асосий қисми бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар юртимизда таълим со-

лик яратилганини таъкидлади. — Ҳозир таълим муассасамиздаги 10 факультетда бакалаврият-



Юнус БУЎРИЕВ олган суратлар.

ҳаси ривожига катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, талабаларнинг замонавий андозаларда таълим олиши, эмин-эркин яшаш, дам олиши учун ҳамма қулайлик яратилганини таъкидлади. — Ҳозир таълим муассасамиздаги 10 факультетда бакалаврият-

нинг 31 та таълим, магистратуранинг 16 та мутахассислиги йўналишида 23 мингга яқин талабалар таҳсил олмақда, — деди университет ректори Фағружон Мухамедов. — Ушбу янги ётоқхона эҳтиёжманд талабаларимизнинг 60 фоизини тураржой билан таъминлаш имкониятини яратди. Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили олдидан фойдаланишга топширилган ушбу талабалар тураржойи ўзи-

нинг замонавийлиги, қулай шарт-шароитларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, мазкур янги тураржой биноси ўзига хос тизим ва салоҳиятга эга. Хусусан, унга кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилган ва иссиқлик билан таъминловчи қозонхоналар мавжуд. Бу ерда истиқомат қилувчи та-

лабалар шу ҳудуднинг ўзида қўллаб-қувватланган фойдаланиши мумкин. Яъни ўқув заллари, амфитеатр, кутубхона, инклюзив ва психологик кўмак кўрсатувчи марказлар, дам олиш майдончалари, тиқиш-бичиш учун мўлжалланган хоналар туну кун улар иштиёрида. Бионинг хафсизлик тизими ҳам ўзига хос ишланган. Талабалар бўш вақтида спорт билан шуғулланиши, иқтидор ва салоҳиятини бойитиши, мароқли дам олиши мумкин.

— Даставвал ушбу университетнинг бакалаврият босқичида таҳсил олдим, шундан сўнг мен учун азиз масканга айланган таълим даргоҳидан ажралишни истамай шу ерда магистратурага ҳужжат топширдим, — дейди университет талабаси Ҳасанбой Неъматов. — Бакалавриятда ўқиб юрган пайтларим 2-талабалар тураржойида яшаганман. Тўғри, унда ҳам шароитлар бор эди, аммо янги бино анча замонавий ва имкониятлари кўп. Ана шундай энгиликлар яратиб берилганидан жуда хурсандим.

Очилиш маросими университет талабалари иштирокидаги ўзига хос байрамга айланди. Нафис шеърлар, дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларга ҳушқайфият бағишлади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ташкил этиладиган «Умра — 2024»нинг навбатдаги мавсуми 10 сентябрдан бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-259-74-51; 71-259-74-53; 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлаб-қўйилган маълумотларни қайтаришмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.00

Топширилди — 01.45

1 2 3 4 5 6